

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 26 июль, сешанба

№ 120 (21.724)

Сотувда эркин нархда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1994 йилнинг 1 августидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1994 йилнинг 1 августидан бошлаб, иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,4 баробар оширилсин ва иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 100 сўм миқдорига; фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 100 сўм миқдорига; ҳозир амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,4 баробар оширилсин ва меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 105 сўм қилиб белгилансин.

2. 1994 йилнинг 1 августидан олий ўқув юртилари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билгим юртилари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,4 баробар кўпайтирилсин.

3. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, бюджетдан пул билан таъминланадиган таъхилотлар ва муассасалар, Ўзбекистон Республикасининг Иجتимоий таъминот вазирлиги меҳнатга ҳақ тўлашининг ягона таъриф септаси разрядларига мувофиқ пенсиялар, стипендияларнинг ва ходимлар маъсаб оқладларининг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминлансинлар.

4. Бюджетдан пул билан таъминланадиган муассасалар ва таъхилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджетни ва ижтимоий сугурта жамғармаси ҳисобидан қоплансин.

5. Мулкчилик шаклларида қатъий назар, хўжалик ҳисобидига қорхоналар ва таъхилотларга маъжур Фармонга мувофиқ меҳнат ҳақини ўз даромад манбалари ҳисобидан ошириш тавсия қилинсин.

6. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 июль

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли жаноб Президент! Германия Федератив Республикаси Президенти лавозимига сайланганим муносабати билан Сиз юборган табрик менга жуда беҳад мамнун этди.

Бунинг учун самимий миннатдорлигимни изҳор этар эканман, мамлакатларимиз икелусида ҳам фаровонлик ва тинч тараққиёт манфаатлари йўлида узаро ҳамкорликни давом эттириверади, деб ишонман.

Шахсан Сизга ва халқингизга эзгу истаklarимни йўлайман.

Роман ХЕРЦОГ,
Германия Федератив Республикаси Президенти.

Кўпдан қуён қочиб қутилмас

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сузлаган нутқи барча фуқаролар катти мен, мақалла оқсоқолида ҳам чуқур таассурот қолдириди.

1994 йилда республика Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Наманган вилояти ҳудудидagi фуқаролар йиғини раислари (оқсоқолари) номидан қатнашган эдим. Ушунда юртбошимиз фуқаролар ўртасида дустлик, аҳдлик, одамийлик ҳислатларини қарор топтириш, маҳалларда тинчлик, осойишталик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасида биз, фахрийларнинг беминанат хизматини қайд этиб ўтган эдилар. Бозор муносабатлари шароитида жамоатчилик, айниқса, маҳаллаларнинг фаоллари кўп иш қилишлари мумкин. Президентимиз айтганларидек, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

1985 йилдан буён Ахси қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаб келияман. Кўпгина муаммоларни аҳиллик билан ҳал қилганим.

С. КАРИМОВ,
Тўрақўрғон тумани Ахси қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли.

Ваъда билан иш битмайди

Тошкент — мамлакатимизнинг пойтахти ҳамда кўр-кич соҳибонали. Уни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш барчамизнинг бурчимиздир.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сузлаган нутқи кўпчилик қатори менга ҳам жуда таъсир этди: «Эски шаҳар ҳудудига яшайётган аҳолининг янма айбон — бунигина билмайдим, лекин ободончилик масаласида, умуман, инсонга муносиб шароит яратиб беришда уларга ўғай кўз билан қараётганимми...» Очиги бўлдики ҳоли янги бунёд этилган аҳоли янши жойларида ҳам кузатиш мумкин.

Матълумки, сув — ҳаёт манбаи. У инсон учун ҳам ва бошқа жониворлар учун ҳам зарур. Сув бўлмаса тириклик, ҳаёт ҳам тўхтайдди. Биз яшаб турган ҳозирги Ибн Сино мавзеси қарийб 200 гектардан ортиқ жойни эгаллаган бўлиб, бу ерда 4 та — «Ибн Сино», «Шодлик», «Велтепа», «Жарариқ» маҳаллалари жойлашган. Илгари мана шу мавзеге Кайноус аригининг суви келарди. Бутун мавзеге етарди.

Аммо ўтган йил Ибн Сино мавзесида 4 та уй қурилиши муносабати билан бўлди.

дан 100 йиллар аввал халқ хашари билан қазилган Жарариқнинг тугони қумиб ташланди. Вақолонинг, бу ариқ билан қурилатган иморат оралиғида 200 метрдан ортиқроқ жой ва катта кўча ҳам ўтган. Мана 2 йилдирки сув теп-текис оқин майдонини ўпириб катта Жарариқ каналига қилин-ёзин оқиб ётибди.

Ибн Сино мавзесида ўтган йил ва бу йил баҳорда экилган 10 мингдан ортиқ арча ва юз минггадан экилган манзарали дарахларнинг, ҳозир 80 фозиз қуриб битди. Бундан ташқари аҳоли ўз уйлари олдига эккан мева ва сабзавотлар ҳам сувсизликдан битмапти. Мен бу огир аҳолини бир йилдан буён туман раҳбарларига бир неча бор айтдим. Оқсоқоллар йиғилишида гапирдим. Лекин фойдаси бўлмапти.

Маҳаллаларимиз кўналар, мева-чева етарли бўлса қандай яхши. Бу мусофҳо ҳаво, обод маскан, туниччилик, тани соглик дегани-ку! Наҳотки туман ҳокимлиги, Ободлантириш бошқармаси бошлиғи буни тушуинмас?

Ҳамидулла НҲЛДОШЕВ,
Шайхонтоҳур тумани Ибн Сино номли маҳалла кўмитаси котиби.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг Уч Йиллигига



Фаоллар йиғилиши

Бухоро вилояти фаоллари йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сузлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалар муҳофизат этилди. Вилоят ҳокими М. Раҳмонов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва музокара-ларда сузга чиққанлар Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган айрим салбий ҳолатлар Бухоро вилоятида ҳам мавжудлигини, ана шу камчиликларни бартараф этиш шу куннинг долзарб вазифаси эканини таъкидлашти.

Фаоллар йиғилишида республика Бош вазирининг ўринбосари М. Шарифов ҳам сузга чиқди. (ЎзА).

Хирмон тўла дон

Навоий вилояти дехқонлари давлатга галла сотиш режасини ошириб бажарганликлари ҳақида галла рапорти беришди.

Эл хирмонига 15 минг тоннага яқин сара дон армуғон этилди. Эришилган муваффақиятга Қизилтепа, Хатирчи, Навбахор, Навоий туманлари галлакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Маъжур туманларда ҳар гектар ердан ўртача 20—25 центнердан ошириб сифатли дон ҳосили олинди.

Режа уддаланган бўлсада, виллоят хўжалиқларида ўрним йилнинг жадал олиб борилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

«Ўзбеккабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида бошқарувни такомиллаштириш ва уни «ЎзКабель» давлат акционерлик бирлашмасига айлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида

«Ўзбеккабель» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ишларнинг аҳолининг ҳар томонлама ўрғаниш яқинлари шуни кўрсатдики, бу ерда яна ишлаб чиқариш-хўжалик мажмуи сифатида бирлашмани бошқариш тизими амалда батамом вайрон қилинган. Таркибий бўлиналарининг фаолияти устидан назоратнинг йўқлиги статистика ҳисоботини бузиш, моддий-техника захираларини талон-тороқ қилиш, молиявий маблағларни белгиланган мақсадларга сарфламаслик ва валюта тушумини солиқлардан яшириш каби кўпдан-кўп фактларга, қонунга хилоф равишда фойда ва даромад олиш мақсадида хизмат мақеини суистеъмод қилишга олиб келди.

1993 йилда бирлашма акциялар ресурслар мавжуд бўлгани ҳолда давлат эътибори учун маҳсулот етказиб бериш топшиққларини бажарилишини барбод этди. 1992 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш қувватларидан атғи 60 фозиз фойдаланилмоқда. Бирлашма эмас, балки унинг бўлиналари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳоллари кенг оммалашди, бунда корхоналарга тақчил кабелъ ҳамда бошқа маҳсулот эвазига назоратсиз мавоза (бар-

тер) асосида халқ истеъмол моллари етказиб берилди.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан бирлашманинг иши устидан таъсирчан назоратнинг йўқлиги юқорида кўрсатиб ўтилган ва бошқа камчиликлар юзага келишига имконият яратди. Завод раҳбарлиги таркибий ўзгартиришларга оид масалалар ҳусусидаги қонун ҳужжатларини амалда қамраб олмагани, бирлашманинг бўлиналари шартномалар тузиш ва ҳисоб-китоблар, айниқса, нарх белгиланган, солиқ тўловлари ва валюта маблағларидан фойдаланиш масалаларида амалдаги тартибга қандай риоя этаётгани чуқур ўрганилмаган.

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўтказилган ҳар томонлама тафтиш ишлари ва «Ўзбеккабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибий бўлиналари молиявий ҳамда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини жиқдий равишда бузалганлик фактлари бўйича материаллар қуриб чиқиш ва қонунга мувофиқ чоралар қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Проку-

БЕЖИРИМ ВА НАФИС

Бугун мамлакатимизда енгил саноатнинг тўқимачилик, ип газлама ёки тайёр маҳсулот — трикотаж буюмлари каби ишлаб чиқариш турларининг равиқи кўп жиҳатдан иқтисодимизни тиклаб олишимизда муҳим тармоқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳукуматимиз бу соҳани ривожлантиришга катта эътибор бера бошлади.

Республикамиз мустақил бўлган енгил саноатимизнинг трикотаж ишлаб чиқариш истиқболлари янада кенгайди. Ахир замонавий, иллий мода билан узвий равишда боғланиб кетган трикотаж буюмлари ҳозирги кунда жаҳон узра ишлаб чиқариладиган кийим-кечакларнинг ариядан кўйини ташқил этаётганлиги ҳам бу соҳанинг ривожланишини, бу туркум маҳсулотларининг жаҳон бозорига ҳам «чаққон» ўтганини кўрсатмоқда.

Шу бондан республикамизда бу соҳани янада ривожлантириш чоралари ишлаб чиқилган. Бунда республика ҳисдорлик трикотаж маҳсулотлар намуналари уйи фаолияти диққатга сазовор. У Ўзбекистоннинг барча тўқима матолари билан боғлиқ корхоналарига янги-янги турдаги намуна моддалар яратиб беришни мақсад қилишда хизмат қилмоқда. Марказга ушбу соҳанинг билимдон Зухра Болтабоева ҳақбарлик қилаётир. Бу ерда ўз ишига янгий ёндашувчи юқори малакали мутахассислар жамоаси вужудга келган.

— Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб равий бейлар билан чиқарилаётган маҳсулотларимиз иллийлиги, нафислиги ва бежиримлиги билан ажралаб туради, — дейди Зухра Қаҳорона.

Ҳақиқатан ҳам «Республика» трикотаж буюмлари Моделлар уйи» илавувчан жамоас томонидан тайёрланган намуналари тантанали йиғилишларда ҳам, спорт билан шуғулланганда ҳам, дам олин пайтларида ҳам ва шунингдек классик усудда тикилган кийим сифатида ҳам кийим мумкин. Муҳими бежирим, замонавий.

Бу ерда Маҳират опа Муҳитдинова, Гунора Ҳожибекова, Гунора Азизова, Ольга Кубашина сингари ўз ишининг усталари бор экан, ҳар ойда тайёрланаётган 7-8 хилдаги янги-янги урфдаги кийимлар талабгорларини теъда топмоқда.

Хуллас, бугунги куннинг асосий вазифаси, айтилган ҳар бир суз қўйилган ҳар бир гишт Ватан равиқи, мустақиллиги мустаҳкамлашга қаратилган бўлмоғи керак. Биз «Республика» трикотаж буюмлар Моделлар уйи»дан ва унинг илавувчан жамоаси билан дийдан бўлган суҳбатларда яна шу мақсадини ҳис этдик.

Маъжуржон ҚИМОВ,
«Ўзбекистон овози» махус мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Тўқувчилардан Лола Султонова билан Нигора Камолова. 2. Ҳисдорлик жамияти раиси Зухра Болтабоева. 3. «Моделлар уйи» ушбу янгиликларни миқозларга тақдир этди. 4. Бош конструктор Т. Кашина моделер рессом О. Кубашина, ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси Ш. Екубова.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар.



РАСМИЙ ВАКИЛ БАЕНОТИ

● ПХЕНЬЯН. Америка Қўшма Штатлари билан Шимолий Корея ўртасида олий даражадаги музокараларнинг учинчи босқичи 5 август кунин Женевда бошланади.

Бу ҳақда КХДР Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили баёнот берди. Унинг таъкидлашича, 21 июль кунин Нью-Йоркда томонлар вакиллари ўртасида амалий учрашув бўлиб ўтган.

5 август кунин бўладиган учрашувда Корея ярим оролидаги ядроний муаммонини ҳал этиш ва АҚШ—КХДР ўртасидаги муносабатларни яхшилаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ САҚЛАШ МАҚСАДИДА

● ХАНОЙ. Камбожда қироллик ҳукумати Осиё жаҳондаги мамлакатлар уюшмасига ўзининг ташқи сийбат соҳасидаги тақдирларини тавсия этди.

СОХТАОРЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

● Италия пойтахтида полиция ва молиявий гвардия ҳамкорлигида ўтказган тадбир натижасида беш нафар сохта пул асосчи қўлга олинди.

ЭСПОРТ РИВОЖЛАНМОҚДА

● Эрон нефть маҳсулотларининг ҳисобга олмаганда, жорий йилнинг 21 мартдан 21 июлгагача турди товарларининг четга экспорт қилиш ўтган йилнинг шу давридагидан 16 фозиз ўсганига ва 959 миллион долларни ташқил этганига маълум қилди.

ИРНА ахборот маҳкамаси

хабарига қараганда, экспорт маҳсулотларининг асосини ҳанузгача қўлда тутишган гилмалар ва бодом ташилди этди. Бу маҳсулотлар экспортти 39 ва 11 фозиз ўсган.

ЛЕЙБОРИСТЛАР ПАРТИЯСИНING ЯНГИ РАҲБАРИ

● Лондон. Тони Блэрнинг Лейбористлар партияси раҳбари этиб сайлангани мамлакат оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида бўлиб қолди.

Лейбористлар ёш ва сергайрат сийбатининг

набатдаги парламент сайловига партия галабасини таъминлашга катта умид билан қарамолдалар, деб хабар беради «Таймс» газетаси.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталардан олинди.)

Рейнбоёв ЭШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЭЗАДИЛАР

НУКУС—ТОШКЕНТ АВТОБУСИ

«Қорақалпоқтранс» бир-лашмаси ходимлари йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг барча манбаларидан кенг фойдаланмоқдалар.

Тошкент — Оролбўйи магистрал тошйўли йўловчиларнинг узоқ йўлини яқин қилмоқда. Нукус—Тўртқўл, Нукус—Урганч, Нукус—Бухоро, Нукус—Самарқанд марш-рути бўйича автобуслар қатнаб турибди.

Эндиликда Тошкентга ҳам автобус қатнови йўлга қўйилди. Хафтасига бир марта Нукус—Тошкент, Тошкент—Нукус автобуслари қатнай бошлади. Бундан йўловчилар мамнун.

ҚАЙТган МАХСУЛОТ ЦЕХДА ҚАЙТА ИШЛанаДИ

Деҳқонлар етиштирган ноз-неъматларни исроф қилмасдан, истеъмолчиларга сифатли ҳолда етказиб беришда ярмаркаларнинг ўрни бўлакча. Уч ҳафтадан ошяптики, ҳар кун вилоят туманларидан Урганч шаҳар савдо ярмаркасига турли маҳсулотлар келиб турибди.

Вилоят туманлари бозорларида ҳам шундай манзарани кўрасиз. Масалан, Хи-ва шаҳар бозорида қисқа вақт мобайнида қилинган ишларни кўрган кўзлар нуво-нади. Шаҳарнинг 2500 йиллиги арафасида миллий меъморийлик услублари асосида қад ростлаётган савдо расталари аҳолига қулайликлар яратмоқда.

Ҳозир бозорга келаятган мева-сабзавотнинг нечи узлам-майди. Тайёрловчилар қишлоқларда мева-сабзавот қабул қилиш нуқталарини ташкил қилдилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БОЗОР—ДЕҲҚОН БИЛАН КЎРКАМ

Уларимиздан видолар, кўнглимиздан нидолар, сядо-лар бераётган замонлар бўлди, ҳар қалай кўрган кунимизга шукроналар айтиб, фақат яхшиликни ният қилиб яшайдиган халқнинг насларимиз...

Шундай экан, ҳаёт одамларга ҳам, дарахтларга ҳам, жониворларга ҳам ҳаракат ва кураш ҳиссини ато этган. Бусиз асло яшаш мумкин эмас. Ҳамма нарса ҳаракатда. Қўёш бутун оламга беиниат нур улашади—унинг саҳий деймиш... Ой ўзининг инак шўъалари билан атрофини мунаввар жилоларга буркайди—унинг гўзал деймиш... Юртимиз бизга ўзалигимизни аниқлатади—унинг биз Ватан деймиш... Бободехқон-чи? Халқимиз ризқ-рўзи учун хизмат қилади—унинг биз халқпарвар, фидойи деймиш...

Ҳа, халқимизнинг насбаси бутун, ризқ-рўзи эндида бўлиши учун қаддоқ қўлли бободехқонларимизнинг меҳнатлари беқисс.

Ҳар тонгда, янги узилган сархил мевалар, турли-туман ноз-неъматларга лиқ тўла машиналар карвони пойтахтимиз бозорлари томон ошяпти.



пойтахтимиз бозорларини тўлдириб ишлари амалга оширилмоқда.

Маълумки, Мирзо Улуғбек тумани аҳолисининг сони кўплиги жиҳатидан пойтахтимизнинг бошқа туманларидан ажралиб туради.

Туман ҳудудида жойлашган «Ширин» деҳқон бозоридамиз. Ҳажм янхитидан кичик бўлса ҳамки, ҳамма ёқ саранжом-сарништа, маҳсулотлар турларига қараб, рас-таларга жойлаштирилган. Туман ҳокимлиги ҳамда бозор маъмурияти билан бир-галликда тузилган шартномага кўра Фарғона вилояти хўжалиқларидан дала неъматларини олиб келиб, ўзларига ажратилган махсус жойларда нисбатан арзон нархларда сотиш йўлига қўйилган. Бозорда ҳуқуқ-тартибот органларининг вакиллари тинимсиз иш олиб боришмоқда. Шу ваздан бўлса керак, катта бозорларга нисбатан бу ерда нарх-наво анча паст.

Мисол учун, 1 кг картош-канинг нархи 4—6 минг, ўрик 2—3 минг, помидор 1—2 минг, қовун-тарвуз килос 3—4 минг сўм-купондан сотилмоқда. Олибсатарлар галаси кўзга ташланмайди.

— Ўзбекистонимизда барча соҳаларда барқарорлик ҳукмрон. Бу барқарорлик янги воситалар билан мустаҳкамлаш, янги мазум билан бойитиш бобида Президентимиз бугунги кун учун сув ва ҳаводек

зарур бўлган ғояларни ўртага қўймоқдалар. Шулардан бири бозорларимиздаги ма-жуд муаммоларни ҳал этиш-га қаратилган.— дейди бозор директори Соқижон Бадалов биз билан суҳбатда.— Бозорда ташкил қилинган савдо ярмаркаси кутилган натижани бермоқда. Бу иш-да, айниқса, Фарғона вилоя-тидаги хўжалиқлар сезилар-ли даражада намуна кўрс-атишмоқда. Улар томонидан бу ерга шу ойнинг дастлаб-дан 56 тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳ-сулотлари келтирилди. Бу эса бозоримиздаги нархлар-нинг анча арзонлашувига са-баб бўлмоқда. Ҳозирги кун-да бозорни кенгайтириш иш-ларини олиб бормоқдамизки, яқин кунлар ичида рас-таларимиз сони 125 тадан 250 тага етади. 20 август кунига-ча давом этадиган бундай ярмаркалар нарх-навонинг кескин пасайишига, миллий валютимиз қадрининг ош-уви-га ҳисса қўлиши аниқ.

Худди шунингдек, туман ҳудудида жойлашган бир қанча бозорларда аҳвол бошқа туманларникига нис-батан яхши. Жумладан, «Бўз» деҳқон бозорида бўл-ганимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Муборак Ҳадис шариф-да: «Етмингнинг, бева-бечора-нинг, мусофирнинг ҳақиқа хибнат қилма» дейилди.

Ҳақ гап, негак, бу қурран заминда яшайтган ҳар бир кишининг ўз ризқ-насибаси, улуши, ҳақиқи бор. Дарвоқе, бугунги кунда кишиларимиз-нинг ҳаёт тарзи, кунда-лик турмуши қандай кеч-моқда? Айниқса, уларга аж-ратилган метьёрланган озик-овқат маҳсулотлари қандай тарқатилмоқда? Истаган маҳсулотларни дўкон пеш-тахталаридан харид қила-олишяптими? Ана шу савол-лар билан туман ҳудудидаги дўконларни назамиз.

Дарвоқе, Тошкентнинг мамлакатимиздаги ўрни ва марфеи жуда катта. У мус-тақил Ўзбекистоннинг мар-кази, бошқача айтганда унинг юрағидир. Шу сабабли пой-тахтдаги ишларнинг аҳолига ҳаярат бўлган республика ҳақида ҳулоса чиқариш мум-кин. Бунинг Президентимиз Ислам Каримов Тошкент ша-ҳар кенгаши ўн бешинчи сессиясида ҳам таъкидлаб ўтилган. Шу бос пойтахт туманларида аҳоли турму-шини яхшилаш, уларнинг кундалик эҳтиёжларини тў-лиқ қондириш учун тиним-сиз иланиши, янгича шароити талабларга мос тарзда раҳ-бардан тортиб, шаҳарнинг оддий фуқаросигача бир ёқ-дан бош чиқариб ишлаши керак. Ана шундангина пой-тахт аҳли ҳаёти фаровон, дастурхони тўкин бўлавера-ди.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мух-бири.

К. УЛМАСОВ олган суратлар.



Озиқ-овқат хусусида

«Дархон» савдо ишлаб чиқариш ҳиссдорлик жамиятига қа-рашли 8-сон дўкон мудири Ҳамидулла Зуфаров,— ай-ниқса метьёрланган озик-ов-қат маҳсулотларини аҳолига ўз вақтида етказиб бери-шиз. Бугунги кунда дўконда кўплаб озик-овқат маҳсу-лотлари, жумладан сўт-қатиқ, ширинликлар, туҳум, мака-рон, ҳар хил шарбат ва чан-қоқбосди ичимликларнинг бир қанча турлари сотил-моқда. Ҳақиқатан, дўкон пештахталарини кўриб, кўз-ларингиз қувонади. Озиқ-ов-қат маҳсулотлари сероб. Гапнинг ростки, бу ҳолни кў-риб, «ишласа, ҳаракат қилса бўларканку» дегингиз кела-ди. Тўғри-да, юртбошимиз яқинда Вазирлар Маҳкамаси-даги йилгиликда Тошкент ша-ҳар бозорларидаги аҳвол-ни кескин танқид остига ол-ганларидан кейингина айрим «мутасадди ана»ларимиз қў-миряб—қолибди. Лекин уларга бир нарсани эслатиб ўтиш ўринали: бу—вақтин-чалик ҳол эмас. Балки рес-публика ҳукумати эътибори-да турадиган муҳим масала.

К. УЛМАСОВ олган суратлар.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ВОДИЙ ҲОКИМЛАРИ УЧРАШУВИ

20 июль куни вилоят мар-казида водий вилоятлари ҳо-кимларининг учрашуви бўл-ди.

Ингилишни Наманган вило-ят ҳокими В. Рашидов оқи-ди ва бозор муносабатла-ри шакллантирилган, миллий валютага ўтилган бир шаро-итда халқни иқтисодий жи-нат қилиш, ички бозорни тўлдириб боради деганини аниқлади. Шундан кейин Фарғона, Ан-дискон вилоятлари ҳокимла-ри М. Исмолов билан Қ. Обидовлар сузлаб, Наманган-да ички бозорни тўлдириб фа-йида эришилган муваффақ-иятлар хусусида тўхталдилар.

ИЧИМЛИК СУВИ КЎПАЯДИ

Қизилдрот адирликларда Наманган шаҳри Уйчи ва Чортоқ туманлари, кейинча-лик Турақўрғон ва Поп туман-лари аҳолисини ичкилик су-ви билан таъминлайдиган иш-лоот қурилмоқда.

Бу ишлоот бир кеча-кун-дузда 125 минг куб-метр су-вини тиндириб, мусоффо-лаш имкониятига эга. Бош-пудрати — Наманган қури-лиш трестининг биринчи ку-рилиш-монтаж бошқармаси ишчилари дастлабки ҳовузни бетонлаштириш, пайванд-лаш ишларини якунламоқда-лар.

«УЙЧИСЕЛЬМАШ» МАХСУЛОТИ

Мамлакатимиз кўпгина ви-лоятлари дўконларида «Уй-чисельмаш» тамғаси қўйил-ган газ плиталарини учра-тиш мумкин.

Бу маҳсулот Уйчи тумани-даги корхонада ишлаб чиқар-илмоқда. Аҳолига маншай хизмат кўрсатишга иҳтисос-лашган бу «Омад» кичик кор-хонаси жамоасининг ютуғи ор-тиб бормоқда. Хусусан, йил-нинг биринчи чорагида 600 дона маҳсулот тайёр-ланган бўлса, иккинчи чо-ракда бу рақам 2000 тага етказилди.

Сулaimонов.

АҲОЛИ МИННАТДОР

— Маҳалламизда кўпчи-лик яхши яшайпти, аммо но-чорлар ҳам бор. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг ишор-отларига, ногиронлар ва ёлғиз қарияларга кўрсатав-ган раҳм-уриғини маҳалла-миз мисолида ҳам кўриб-би-либ турибмиз,— дейди На-манган шаҳридаги «Заркент» маҳалласининг оқсоқоллар йил-ни раиси Абдулла ИС-МОИЛОВ.

Ҳаммаҳалламиз Махпир-уат опа Мунавварованинг уйи қишининг қировли кун-ида ёниб кетди. Шаҳар ҳоки-мига бир оғиз арыз қилдик. Ҳоким 500 минг сўм-купон ўрمان кўрсатди. Маҳалла аҳли опа хонадонини қайта қуриштириб берди.


Бундай мисолларни яна келтириш мумкин...

...Маҳалла аҳлининг кўпи хунарданд. Бозор иқтисо-диети шароитида беш қўл баравар эмаслиги ҳаммага равшан. Аммо, бир тан-бир жон бўлиб, амалга оширила-ётган чора-тадбирларни қўл-лаб, эртанги кунга ишонч билан яшаётганлар оми ора-мида. Ўйлаймики, наман-ганликлар меҳру муруват-ли халқ, улар ўз ақли биро-дарларини асло ёлғизлатиб қўймайдилар, бошқаларга меҳр-шафқатни асло қанда қилмайдилар.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ.

ГУЛИСТОНДА 30 ИЮЛДА ЎТКАЗИЛАДИГАН КЎЧМАС МУЛК БЎЙИЧА КИМ ОШДИ САВДОСИ ХАРИДОРЛАРГА МУНТАЗИР

САВДОГА ҚУНИДАГИЛАР ҚУЙИЛМОҚДА:



Сайхунбод туманидаги «Шоликор» кафеси.

Мирзаобод туманидаги қури-лиш тугалланмаган хўжа-лик ҳисобидида қурилиш бошқармаси ишлаб чиқариш базаси. Гулистон — Янгиер автомобиль йўли бўйидаги 0,6 га ҳудудда жойлашган. Ишлоот шайлиги — 40 фо-уз.

Бошланғич баҳоси — 81 минг сўм.

Гулистон шаҳри атрофида жойлашган «Ваҳор» давлат

га оширилган. Шайлиги — 22,3 фоз.

Бошланғич баҳоси — 50 минг сўм.

Ш. Рашидов туманидаги хўжалик ҳаммоми. Бино бир қаватли, пишиқ гиштдан қу-рилган, майдони — 200 кв. м. У давлат хўжалиги марказида, турар жой бино-лари яқинида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 6 минг сўм.

Сайхунбод туманидаги «Малик» давлат хўжалигидаги қури-лиш тугалланмаган проф-иллакторий. Ишлоот қурилиши 1989 йилда бошланган. Сир-дарё — Малик йўлидан 300 метр нарида жойлашган. Иш-лоот пишиқ гиштли, учта ички қаватли бинодан ибор-ат. Ишлоот шайлиги — 70 фоз.

Бошланғич баҳоси — 500 минг сўм.

мом. 1990 йилда пишиқ гиштдан ўзига хос бевақда қурилган. Гулистон — Деҳ-қонобод йўлидан 100 метр нарида жойлашган. Ҳаммом чойхонага, бозор ер учас-тасига эга.

Бошланғич баҳоси — 56 минг сўм.

Боввут туманидаги «Лаз-зат» чойхонаси. Боввут Гулистон йўли бўйида жой-лашган. 1980 йилда пишиқ

хўжалигининг «Наврўз» чой-хонаси. Ер участкасининг қу-рилиш майдони — 450 кв. м. Би-но пишиқ гиштдан қурилган, бир қаватли, ертўласи бор.

Бошланғич баҳоси — 92 минг сўм.

Гулистондаги қурилиш ту-галланмаган ички қаватли «Маншай хизмат кўрсатиш уйи». Ишлоот Анҳор бўйи кўчасидаги IV микрорайонда жойлашган. Умумий майдо-ни — 0,30 га. Қурилиш 1991—1992 йилларда амал-

III. Рашидов туманидаги Темур Малик номли давлат хўжалиги ҳаммоми. Бино бир қаватли, пишиқ гиштдан қу-рилган, бадий бевақдан. Марказий қозонхонадан исти-талади. Марназ ва уй-жой бинолари яқинида жойлаш-ган.

Бошланғич баҳоси — 4,5 минг сўм.


Маълумотлар олинган учун телефонлар: (38722) 2-39-08, 2-28-03.

Гулистондаги қурилиш тугалланмаган «Маншай хиз-мат уйи».

Apple Macintosh компьютерлари барча имкониятларга бой. Бугун Apple компанияси сизларга бир қатор компьютер турларини арзонлаштирилган нархларда таклиф этмоқда. Сизнинг эътиборингизга Macintosh LC475- ҳар хил корхоналар учун энг мос, энг қувватли компьютерни намойиш этамиз. Ушбу компьютер куйидаги имкониятларга бой: Оператив хотираси микдори - 4 Мб; қаттиқ диск микдори - 80 Мб; дисплей- 14" SVGA; Ўзбек, рус, араб, турк ва бошқа тиллардаги операцион тизимга эга. Apple ишлаб чиқарадиган 1.44 Мб микдорли Супер-Драйв Сизга MS-DOS, OS/2 ва барча бошқа тизимларда яратилган хужжатларни ўқишга имконият беради. Макинтош компьютерлари ички LocalTalk алоқа тизимларига эга, демак бир неча компьютерлар орасида алоқа тузиш учун Сиз ушбу Макинтош компьютерларни ўзаро улашингиз керак, ҳалос. Дарҳақиқат, Макинтош компьютерларининг имкониятлари чексиздир!

Нархи эса атиги: \$1495

Телефон: 32-38-68 ABSYS- бу Apple Computer, Inc. корпорациясининг Ўрта Осиё давлатларидаги расмий дистрибуторидир. Apple расмий дилерлари - Нурон, Ltd. - 67-22-08; ВаДиМ, Ltd. - 33-14-19; TEKNEIS-INFO консорциуми - 67-19-10; "Ўзбексавдо" ДАА РИХМ - 39-40-48.



© 1991 Apple Computer, Inc. All Rights Reserved. Apple and the Apple logo are registered trademarks of Apple Computer, Inc.

• ЮЗМА - ЮЗ •

Деновда икки ҳоким бор. Бир тўманни...

ҳосилини толасини газ қувурларига алмаштирдик. Бу билан биз ютдик...

ҳам айтиди. Шаҳар берайниги (қулади), йўқ, келинг биздан асраб қўйган мулоқозлар бор.

даги қурилишлар бузишлар эвазига бўлади. Шунинг учун бу борада қаттиқ назорат ўрнатганми?

• Спорт

МУНОСИБ НОМЗОД
Италида енгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро мусобақада Республика...

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚНИНГ САЛОМ-АЛИГИ

туман, шаҳар эмас. Унинг тарихи узун. Биз, яъни қирқдаш ошиб олинма бор...

одамларни энди «бизники» эмас, балки «мейники» деган кайфиятга йўналтириш...

штатида бўлди. Улар ишланганим, яшанганим билан...

— Айтмадимми, бу мақтанганим. Олдиданги қиссалик, холос. Булар қуналик бозор ҳақидаги гаплар.

• Давлат солиқ қўмитаси бош божхона бошқармаси хабар қилади

ХАЛҚИМИЗДА «Нон-иймон» деган улуғ ҳикоят бор. Бугун, собиқ СССРнинг аяқли мамлакатларида...

борин, улар қўлга олиниб нарсани каламушга ўз устига ташмадан, қўмай фойда эвазига камбў оқиёт...


рақасини вилоят прокуратураси аниқлайди. «БЕКОРЧИ» 9 МИЛЛИОНГА ТУШДИ

• МУҲИМ ТАДБИР

Бахмал тумани ҳокимлигида наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича...

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ— ҲАММАНННГ ИШИ

Илгир қатнашчилари гиёҳвандлик ва банифурушликка қарши олиб борилаётган чора ва тadbирларнинг аҳволи ва улар бераётган самара...



Дуқона маҳсулот сароб бўлса, ундан харидор арнамайди. Ҳа бугунги бозор иқтисодий талаби ҳам шу. Қўпроқ истеъмолбон буюмларини халққа етказиб бериш.

ИЙМОННИ ПУЛГА СОТМАН

«ГУЗАЛ»НИНГ ХУНУК ИШИ
«Номаълум одамлар» фақат у, безани эмас, балки тонналар қанд-шаклар ҳам...

татишди. У ҳам 1 миллион 130 миң сўмлик бу маҳсулотни номаълум кишидан сотиб олганими...

«АБУ ВАҚО» ВА ҚОРАҚҮЛ ПУСТИНЛАРИ

Вухоро шаҳридаги «Абу Вақо йон АТО» номида кичик корхона директори Т. Боқоев ва шу корхона ҳуқуқшуноси Ш. Жураев Москва шаҳрига тегишли руҳсатномасиз 9 та қоракўл пусти...

ҚИССАДАН ҲИССА:

Этибор берган бўлсангиз, тонналар ун, ёр, гуруч, бензин ва бошқа камбў мол ва моддий бойликларни олиб кетаётганда қўлга тушганлар «номаълум кишидан сотиб олдими», ёки «фалон бозордан сотиб олдими» деган вақтинчалик таққорларидирлар.

САМОЛЕТ ОТАДИ ҚОЛГАНМИ?

Қўштироқ орасидаги ишбилармонлар тадбиркорликда самолётлардан ҳам фойдаланишмоқда: Нукус аэропортининг борт кузатувчиси...

972 КИЛОГРАММ ЕР

9 56-15 ФЕ номерли «Зил-130» юк машинасининг соҳиб-фарғоналик Т. Уринбоев фарғоналик З. Ҷониматов билан 972 килограмм пахта ёнин Тожикистонга олиб кетаётганда қўлга тушди.

ПУЛ ОПКЕЛСАНГ БУЛГАН

Самарқанддаги транспорт-экспедиция хизмати курсати автокорхоналарининг раҳбарлари ҳайдовчиларга «нима қилсанг ҳам пул опкелсанг булган» деб насаҳат қилишадими, ҳайтовур, уларнинг машиналари Тожикистонга ун ташибганда қўлга қўлга тушмоқда.

ПАРДАВОТ ТОЖИВОВ, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУХБИРИ

ПардавоТ ТожиВов, «Ўзбекистон овози» мухбири. 1994 йил 26 июль. Самарқанд вилояти прокуратураси раҳбарлари маҳаллий ҳокимият идоралари, ҳужаликлар раҳбарларида етарлича қатъий етишмалли. Ингилишда ана шундай ҳолатлар кескин тақид қилинди.

ЎТТАНЛАРИНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Фанлар Академияси М. Т. Урзобоев номидаги Механика ва ишловлар сейсмик мустаҳкамлик институти жамоаси институтининг биринчи таъинланган раҳбарларидан бўлган кеска ходими, етакчи мураббий олим, техника фанлари номзоди Муҳаммад Имомовнинг ИСМОИЛОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таззия наҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
Бош муҳаррир Азим СУЮН.
Мулассис:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Тавхир ҳайити Абдулло ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (Ивасул ноиб), Энд ДАВРОНОВ, Исом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУХСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), «Осиё бозори» янавоаси учун масъул, ШОКОСИ ШОМИЛОВ, Шухрат ЖАБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).